

Жонузаков Абдували Эсиргапович, Жонузоқова Гавхар Абдувалиевна
Самаркандский Государственный Архитектурно-строительный институт
(Самарканд, Узбекистан)

Солитер композицияси ва уни шакллантириш усуллари

Аннотация. В статье раскрываются понятия «солитер» и участие декоративных деревьев, кустарников в его композициях. Приводятся типовые примеры к созданию композиций в практике.

Ключевые слова: Солитер, декоративные деревья и кустарники, лианы, цветники, поляна, массив, доминант, контраст, масштаб, пейзажные или ландшафтные композиции, законы создания зеленых композиций.

*Zhonuzakov Abduvali Esirgapovich, Zhonuzozova Gavkhar Abduvalivna
Samarkand State Architectural and Construction Institute
(Samarkand, Uzbekistan)*

THE COMPOSITION OF SOLITAIRE AND ITS METHODS OF FORMATION

Abstraction. The article reveals the concepts of "solitaire" and the participation of ornamental trees, shrubs in his compositions. Typical examples for creating compositions in practice are given.

Key words: Solitaire, ornamental trees and shrubs, vines, flower beds, glade, massif, dominant, contrast, scale, landscape or landscape compositions, laws for the creation of green compositions.

Кўкаламзорлаштириш материалларига дарахт ва буталар, гуллар, майсалар, ер ёпар ўсимликлар, тирмашиб ва ўралиб ўсувчи ўсимликлар (лиана)лар кирди. Уларнинг ҳар бири ўзига хос манзаравий табиий биологик хусусиятлар ва сифатларга эга. Бу сифатларнинг асосийларига дарахт ва буталарнинг бўйи,

баландлиги, танасининг шакли–шамойили, шох–шаббаларининг тиғислиги, барглари ва гулларининг тузилиши ва ранглари кабилар киради [1].

Таъкидлаш жоиз, ландшафт архитекторлари ва дизайнерлари кўкаламларни шакллантиришда нафақат алоҳида дарахт ва буталардан, балки уларнинг турли хил туркумларидан фойдаланадилар. Дарахт ва буталарни ўзаро туркумлаш, улардан турли–туман манзаравий композициялар яратишнинг ўзига хос қонун–қоидалари мавжуд бўлиб, улар илму–фанда **декоратив яшил композициялар яратиш асослари** деб аталади [2].


Энди ландшафт композицияларидан бири ҳисобланган солитернинг мазмун ва моҳиятига, уларни шакллантиришнинг қоида ва қонунларига қисқача тўхталиб ўтамыз, ўз тақлиф ва тавсияларимизни баён этамыз.


Солитер (итальянча “solo” – битта, якка) – бу якка тартибда экилган ва ноёб ландшафт манзараси, умуман олганда шаклу–шамойили гўзал дарахт ёки бутадир. Уларга қўйиладиган талаблар– майсазор, гулзор ёки бирон бетон ёки яшил бордюр билан ўралган майдонда ўзининг чиройли қонаси, барги, гули ёки меваси билан ажралиб турувчи яккахон ўсимлик, атроф–муҳитдан қаралганда хушбичим ва яхлит кўриниб туриши шарт. Солитер композицияларини қўллаш дарахт ва буталарнинг гўзаллигини алоҳида намоёниш этиш, ландшафт композицияларига фавқулодда урғу бериш, уларни ўзга турлардан ажратиш, муҳитга тантанаворлик киритиш каби эҳтиёжлардан келиб чиққан [3].

Ўзбекистонда қадимдан чойхоналар ва бошқа дам олиш масканлари ҳудудида ана шундай алоҳида *устунсимон терак (тополь пирамидальная)*, *улкан чинор (платан)*, *шарсимон қайрағочлар (карагач шаровидный)*, *мажнунтол(ива плакучая)*лар каби яккахон дарахтлар экилиб, чиройли манзаралар яратилган. Ҳозирги вақтда солитер композициялари учун дарахтлардан: *кумушранг қорақарагай (ель колючая, ф.голубая)*, *арча(можжевельник)*лар, *қрим қарагайи (сосна крымская)*, *ленкоран акаси (альбиция ленкоранская)*, *лола дарахти (тюльпанное дерево)*, *магнолия*, *сарв (кипарис)*, *устунсимон туя (туя западная, ф. колонновидная)*, *шарқ биотаси (биота восточная)*, *япон*

мажнунтути (щелковица японская, ф.плакучая), шарсимон акас (акация белая, ф.шаровидная), каштан, гўзал катальпа (катальпа прекрасная) ва пирамидасимон эманлар (дуб обыкновенная, ф. пирамидальная); бутасимонлардан: доим яшил шамшод (самшод вечнозеленая), ипли юкка (юкка нитьчатая), агава, ёш пальма ва бананлар, сурия атиргули (гибискус сирийский) қўлланилмоқда. Шу билан бирга баланд бўйли гуллардан: дарахтсимон пион (пион древовидный), тўп бўлиб турувчи атиргуллар, илонгул(гладиолус)лар, шойигул(канна)лар, картошкагул (георгина) ва шу кабиларни ҳам тавсия қилиш мумкин.

Солитерлар нафақат кичик композициялар, балки катта массивлар, поляналар, яшил кўкаламзорларда ҳам ташкил қилиниши мумкин. Бунда катта майдонлар масштаби ҳисобга олиниб, катта ўлчамдаги тўп бўлиб ўсган дарахтлар ёки буталар ҳам қўлланилади. Бундан ташқари бетон ёки бошқа табиий материаллардан қопланган катта майдонларнинг характерли нуқталарида ҳам махсус солитер композицияларини ҳосил қилиш мумкин. Мисол учун, бунда солитер дарахт ёки буталарни янада бўрттириб кўрсатиш учун уларни баландроқ кўтариб, ёнларида табиий тошлар, гуллар, декоратив кўзалар ва бошқа сув қурилмаларидан ҳам фойдаланиш яхши самара беради [4].





Декоратив дарахтлар ва буталар иштирокида яратилган солитер композициялардан намуналар.

Аслида солитер ўсимликлар композициянинг асосини ташкил қилиб, унинг яхлитлигини таъминловчи доминант ҳисобланади. Шунинг учун уларни қўллаганда қолган унсурларни ундан катта ёки рангини контраст қилиб, унинг яқкалигига, гўзаллигига путур етказмасликка эътиборни қаратиш ва уларни ёрдамчи, композицияни тўлдирувчи сифатида қараш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.О.Боговая, Л.М.Фурсова. Ландшафтное искусство. Москва, 1988.
2. М.И.Черкасов. Композиции зеленых насаждений. Москва, 1960.
3. Крижановский Н.Я. Ландшафтный дизайн для начинающих. Из серии «Есть идея». Ростов-на-Дону, 2008.
4. D.Isamuxamedova, L.Adilova. Shaharsozlik asosalari va landshaft arxitekturasi. Toshkent, 2010.